

## ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЮҚОРИ СИФАТИНИ МАҚСАДЛИ ШАКЛАНТИРИШ

М. А. Абдуганиев

ТДИУ «Молия ва бухгалтерия, хисоби» Талабаси

**Аннотация:** Фикримизча, иқтисодиётнинг ривожланиши учун умумий услубларини тақозо этадиган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, биринчидан, уни таърифлашда тизимли ёндашиш, иккинчидан, иқтисодий ўсишни тадқиқ қилишда аниқ теранликка эга алоҳида абстракцияли ёндашув тақозо қилинади. Шу билан бирга мақолада иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таҳлили, соҳадаги муаммолар атрофлича ўрганилиб илмий асосланган таклифлар берилган.

**Калит сўзлар:** Иқтисодий ўсиш, абстракция, ривожланиш концепцияси, тасодифий омиллар, самарадорлик, аҳоли турмуш фаровонлиги, ЯИМ, модернизация, барқарорлик, резидент, харажат, бюджет.

### Кириш

Миллий иқтисодиёт ривожланишини баҳолаш мезонларидан бири сифатида иқтисодий ўсиш кўрсаткичи қабул қилинган. Ушбу кўрсаткич муайян давр мобайнида реал ЯИМ ҳажмининг ўтган даврдагига нисбатан ошиши, тўлиқ бандлилик шароитига мос келувчи потенциал ишлаб чиқариш даражасини узоқ муддатли қўпайиши тенденциясини англатади. Иқтисодий назарияда иқтисодий ўсиш даромадларни қандай нисбатларда истеъмол ва инвестицияларга бўлинишига боғлиқ деб қаралади. Истеъмол ҳажми динамикаси иқтисодиётнинг пировард мақсадини ва аҳоли турмуш даражаси ошишини билдиrsa, инвестициялар ҳажмининг ўзгариши ресурс имкониятларининг ўсиши ва техник янгиликларнинг моддийлашишини англатади. Истеъмол ва инвестиция ўртасида етарлича муқобиллик мавжуд, чунки, жорий истеъмол микдорининг ортиши инвестицияларнинг даромаддаги улушини пасайтиради. Оқибатда иқтисодий ўсиш имкониятларини кисқартиради. Иқтисодий ўсиш реал катталикларда ва қиёсий баҳоларда ўлчанади. Иқтисодий ўсишни ЯИМ мутлақ ҳажмининг ортиши орқали ёки аҳоли жон бошига реал ЯИМ микдорининг ортиши орқали ўлчаш, баҳолашнинг қандай мақсадда амалга оширилаётганига боғлиқ бўлади. Одатда бирон-бир мамлакат иқтисодий ўсишини ЯИМ мутлоқ ҳажмининг ортиши орқали ўлчаш, унинг иқтисодий салоҳиятини баҳолашда, аҳоли жон бошига реал ЯИМ микдорининг ортиши орқали ўлчаш эса мамлакатдаги турмуш даражасини таққослашда қўлланилади. Ш.М.Мирзиёев 2022 йил 15 январдаги, иқтисодий ўсишни таъминлаш, иш ўринлари яратиш ва оиласалар даромадини қўпайтириш янги тизимни ташкил этиш борасида “Маҳаллада тадбиркорлик ва дехқончиликни ривожлантириш учун оиласаларни зарур асбоб-ускуналар ва иш қуроллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги”<sup>1</sup>ни алоҳида таъкидлади. Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини тавсифлайдиган мазкур кўрсаткичлар

<sup>1</sup><https://president.uz/uz/lists/view/4920>

(реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига реал ЯИМнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, улар биринчидан, маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва шу сабабли аҳоли турмуш даражасининг ҳақиқий ўсишини тўлиқ тавсифлаб беролмайди; иккинчидан, реал ЯИМ ва аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттиrmайди ва аҳоли реал турмуш даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади; учинчидан, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф-муҳитга ва инсоннинг ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди. Иқтисодий ўсиш одатда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ёки аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши билан ўлчанади. Иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги тушунчаси мавжуд, у иқтисодий ўсишнинг пировард натижаси бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг қай даражада ўсганини ифодалайди. Иқтисодий ўсишнинг самарадорлиги – бу иқтисодий ўсишга қандай харажатлар билан эришилганлиги бўлиб, ялпи ички маҳсулот ўсишининг харажатлар ўсишига нисбати орқали аниқланади” [2].

Ялпи ички маҳсулот ҳажми ўзгаришини услубий жиҳатдан ўрганишда унга таъсир этувчи асосий омилларнинг боғлиқлигини ўрганиш муҳимдир. Бунда ялпи ички маҳсулотни яратишга иштирок этувчи асосий омиллар сифатида меҳнат ва капитал олинди. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсишини янада жадаллаштириш учун қуидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

- иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини такомиллаштириш;
- мамлакатда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш;
- мамлакатда ишчи кучидан янада самаралироқ фойдаланиш;
- юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ривожлантириш ва киритиладиган инвестициялар ҳажмини кўпайтириш;
- фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш.[3].

ЯИМ нинг «ички» деб аталишига сабаб унинг мамлакат резидентлари томонидан яратилишидир. Резидент деганда фақатгина мамлакатнинг юридик ва исмоний шахслари тушунилмайди. Чунки мамлакат юридик шахси бошқа мамлакат ҳудудида бир йилдан ортиқ фаолият юритса ўша мамлакат резиденти деб қаралади. “Миллий тегишлилиги ва фуқаролигидан қатъий назар, мазкур мамлакатнинг иқтисодий ҳудудида иқтисодий манфаат марказига эга бўлган (ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган, ёки мамлакат ҳудудида бир йилдан ортиқ яшаётган) барча иқтисодий бирликлар (корхоналар, уй хўжаликлари) резидент ҳисобланishiади”. Элчихоналар ва ҳарбий базалар ўзлари тегишли бўлган мамлакатларнинг иқтисодий макони бўлиб қолаверадилар. Айнан шу жиҳат ЯИМни ҳисоблашда иқтисодий ва географик ҳудуд ўртасидаги фарқ деб қаралади. ЯИМ уч хил усул билан ҳисобланади:

- 1) ишлаб чиқариш усули.
- 2) харажатлар усули.
- 3) даромадлар усули.

Ҳар учала усул билан ҳисобланган ЯИМ кўрсаткичи ҳажми статистик хатолар истисно этилганда ўзаро тенг бўлиши лозим. Шу билан бирга ҳар учала усул билан ЯИМ кўрсаткични ҳисоблашда ўзига хос талабларга амал қилиниши талаб этилади [4].


Иқтисодий ўсиш замиридаги замонавий иқтисодий назарияда одатда табиий аҳамиятга эга бўлган ишлаб чиқариш ҳажмининг реал кўпайиб кетиши ва қисқа муддатли равнақи эмас, балки узоқ муддатли вақт оралиғидаги ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишига боғлиқ

бўлган ишлаб чиқариш реал ҳажми табий даражасининг узоқ муддатли ўсиши тушунилади. Иқтисодий ўсиш, ўз навбатида, асосий мақсади бўлиб, инсон туб манфаатларини рўёбга чиқаришга, ахоли турмуш даражаси, сифати ва фаровонлигини юксалтиришга хизмат қиласи, унинг иқтисодий базиси ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш тушунчасига тўлиқ тавсиф бериш учун, фикримизча, иқтисодиёт назариясининг умумий услублари тақозо этадиган бир қатор ҳолатларни ҳисобга олиш лозим.

Биринчидан, иқтисодий ўсиш, иқтисодиёт назариясининг кўплаб муҳим тушунчалари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, уни таърифлашда тизимли ёндашув фарқланиб туриши зарур.

Иккинчидан, иқтисодий ўсиш моҳиятини аниқлаш илмий абстракция талаблари билан мос келиши зарур. Чунки бу ерда, умумий ва хусусий муаммолар вазиятидан келиб чиқадиган иқтисодий ўсишнинг туркумланиши билан боғлиқ айрим мураккабликлар пайдо бўлади. Шу сабабли, иқтисодий ўсишни тадқиқ қилишда, аниқ теранликка эга алоҳида абстракцияли ёндашув тақозо қилинади (1-расм).



1-расм. Иқтисодий ўсишнинг асосий моделлари [5]

Гап шундаки, бу ерда юқорида таъкидланган сабабларга кўра, иқтисодий ўсишни бир хил аҳамиятли миқдорий аниқлаш имкони бўлмаган категориялар даражасигача мавхумлаштиришга йўл қўйиб бўлмайди. Иқтисодий ўсиш барча иқтисодий тизимларга хос бўлган ҳодиса бўлганлиги сабабли, уни ўрганишда биринчи навбатда, айнан таркибли ёндашиш амалга оширилиши зарур. Шу сабабга кўра, иқтисодий ўсиш мазмунининг фақат соғ миқдорий тавсифи берилиши аниқ кўриниб турган камчилик ҳисобланади. Мазкур вазиятдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу ерда абстракция усулидан фойдаланиш жуда ўринли ва мақсадга мувофиқ.

Республикамида 2017 йилда қабул қилинган Харакатлар стратегиясини амалга ошириш шароитида мамлакатнинг рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодий салоҳиятини

юксалтириш, инновацияларни кенг жорий этиш ва шулар асосида ресурслардан оқилона фойдаланиш рақамли иқтисодиётни шакллантириш омилларидандир. Чунки бошқарувда рақамли технологияларни кенг қўллаш, мамлакатимизда электрон хукумат тизимини жорий этиш муаммоси ижтимоий ривожланишнинг кўп вариантилиги ва муқобиллигини эътироф этишга асосланган.

Иқтисодий ўсиш суръатлари таҳлил қилинганда, унинг мезонларига ва энг аввало сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз берәётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожи учун хизмат қилиши, ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим. Шундай экан, иқтисодий ўсиш бевосита ялпи худудий маҳсулот миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс ҳаражатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.

2030 йилгача ривожланиш концепцияси, худудни ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг узоқ муддатга мўлжалланган муҳим мақсад ва вазифалари, иқтисодиётнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш йўналишлари, ривожланишнинг асосий манбалари ва омиллари, рақобат имкониятлари ва устунликларини белгилаб берувчи асосий дастур ҳисобланади. Унда худудларни комплекс тараққий эттиришнинг жорий ва ўрта муддатли дастурлари ва прогнозларини ишлаб чиқиши, худуд иқтисодиётини чуқур таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш йўллари кўрсатиб берилган.

Иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш динамикасини прогнозлашда рекурсив ва экзоген кўпомилли эконометрик ўсиш моделларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Макроиктисодий экзоген моделлар худудда иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестиция ва инновацияларнинг ўрнини аниқлаш, ялпи худудий маҳсулот таркибини тармоқлар ва кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари асосида мутаносиб, барқарор ривожланишини моделлаштириш имконини беради, таҳлил этилаётган иқтисодий жараённи тасодифий омиллар таъсиридан ҳоли эканлигини инобатга олади.

### Хулоса ва таклифлар

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда иқтисодий ўсишининг муҳим омиллари сифатида қуйидагиларни эътиборга олиш тавсия этилади:

- иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга қулай институционал муҳит а давлат қўмагини яратиш;
- иқтисодиёт тармоқларида таркибий ислоҳотларнинг янада чуқурлаштириш учун ички ва ташки инвестицияларни жалб этишини институционал механизмларини такомиллаштириш;
- иқтисодиётни янада эркинлаштирилиши ва модернизация қилиш жараёнларини фаоллаштириш;
- иқтисодиёт тармоқларида маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга берилаётган имтиёз ва рағбатларни кенгайтириш орқали аҳолининг асосий қатламини иқтисодий фаолликка жалб қилиш;
- моддий-техника ресурслари ҳамда тайёр маҳсулотларни сотиш ва сотиб олиш тизимини эркинлаштириш;
- корхоналарнинг молиявий хўжалик фаолиятига давлат назорати органлари аралашувини янада қисқартириш ва б.

**Файдаланилган адабиётлар**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони.
2. Ўлмасов А., Вахобов А. “Иқтисодиёт назарияси”. Дарслик.Т.:“Iqtisod-Moliya”, 014 й
3. “Biznes-эксперт” журнали №8 (92).2015.
4. Абдулқосимов Ҳ. “Макроиктисодий тартибга солиш ва Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши. Монография”. Т. : “Akademiya”, 2011 й.